

## МИСРАЛАРДА ЖОНЛАНГАН СЎЗЛАР ( ТАШХИСНИНГ ТЕМАТИК ТАСНИФИ )

Элнур Ниёзматов Ҳусин ўғли

Фанлар академияси қошидаги Ўзбек тили ва фолклор

институти мустақил изланувчиси

[elnurniyozmatov66@gmail.com](mailto:elnurniyozmatov66@gmail.com)

**Аннотация:** мақолада ҳозирги ўзбек шеъриятидаги бадиий санъатлардан энг фаол қўлланиладиган санъатлардан бири. ташхис санъати ва унинг тематик жиҳатдан таснифи ҳамда шеърий парчалардаги таҳлилига кенг ўрин берилган.

**Аннотация:** статья является художественной в современной узбекской поэзии. Одним из наиболее активно используемых искусств является искусство диагностики, и его тематической классификации и анализу в поэтических пассажах отводится широкое место.

**Annotation:** in the article, one of the most actively used art forms in contemporary Uzbek poetry the art of diagnosis and its thematic classification and analysis in poetic fragments are given widely.

**Калим сўзлар:** ташхис санъати, тасниф, лирик қаҳрамон, поэтик образ, поэтик мазмун, шахсланириши, бадиий тасвир.

### КИРИШ (ВВЕДЕНИЕ / INTRODUCTION)

Жаҳон мумтоз адабиёти хазинасига ўзига хос улкан ҳисса қўшган ва ўзининг бой тарихий меросига эга бўлган ўзбек шеърияти тили, бадиияти, услублари, мазмун ва шаклий ўзгаришлари билан тобора ривожланиб, юксалиб боряпти. Бугунги кун ўзбек шеъриятининг камолот чўққисига етишида ижодкорлар билан теппа- тенг ижод қилаётган адабиётшунос олимларнинг ҳам илмий- назарий изланишлари, янги ғояларни, янгича эврилишлару ўзгаришлар ҳақида яратишашётган илмий-амалий қўлланмалари, мақолалари билан бу соҳанинг янада ривожланишига салмоқли ҳисса қўшишмоқда. Ҳар бир соҳанинг ривожланишида, бойишида предмет ёки нимадир бўлади. Шеъриятимиз гўзаллигини, бадиийлигини кўрсатувчи восита бу, албатта, тил. Биз ана шу тил имкониятлари, сўз жилолари, секси, маънолари орқали ўз маҳоратларини

кўрсатиб ижод қилишаётган таникли шоирларнинг айрим ташхис санъати иштирок этган шеърларини таҳдил қилишга, поэтик мазмунини очишга имкон кадар уриниб кўрдик.

“Ташхис ҳайвонот ва наботот, ҳатто жонсиз табиат оламидаги ашёларга инсон учун хос бўлган хусусиятларни (кечинма, ҳис-туйғу, харакат) баҳш этиб тасвирилашдан иборат. Бундай тасвир тасодифий бўлмай, тасвир обьекти бўлмиш ҳайвон, ўсимлик ёки ашёнинг бирор белгиси билан инсон хусусияти ёхуд феъл-автори ўртасидаги қандайдир рамзий ўхшашликка асосланади”.<sup>1</sup>

Ўзбек шеъриятида поэтик, рамзий-мажозий образлар яратишида муҳим поэтик восита сифатида қўлланиладиган бадиий санъатлардан бири - ташхис санъатидир.

Илгари асосан, табиат ҳодисалари, ҳайвонлар шахслантирилган бўлса, бугунги кунда инсон ҳис- туйғулари, орзу-умидлари, моддалар, сайёralар, предметлар, инсон аъзолари (гарчи олдин ҳам айрим шоирлар ижодида кузатилган!), деярли барча турдаги нарсаларнинг кенгроқ планда шахслантирилаётганини кўриш ва кузатиш мумкин. Шунга кўра бу санъатнинг бугунги кун ижод намуналарида кенг оммалашаётганини кузатиб, ташхис санъатини тематик жиҳатидан қўйидагича таснифлаб ўрганишни мақсадга мувофиқ деб топдик:

- 1) гуллар ва ўсимликлар ташхиси;
- 2) ҳайвонлар ва қушлар ташхиси;
- 3) Сайёralар ташхиси;
- 4) Предметлар ташхиси;
- 5) табиат ҳодисалари ташхиси;
- 6) инсон ҳис-туйғулари ташхиси;
- 7) орзу-умидлар ташхиси;
- 8) инсон аъзолари ташхиси;
- 9) Моддалар ташхиси;
- 10) дарёлар ташхиси;
- 11) дараҳтлар ташхиси;
- 12) топонимлар ташхиси...

Бу таснифни яна тўлдириш, мукаммаллаштириш мумкин. Бундай таснифлаш мавзуни чуқурроқ ўрганишга, ташхис санъатининг имкониятларини лирик ифода усулларини кенгроқ кўрсатишга ёрдам беради. Ташхисни ўрганиш ва ўргатишида эса қулайлик ва енгиллик тугдиради. Бу санъат орқали инсон сезимларини табиат, ҳайвонот ҳамда самовий жисмлар уйғунлигини яққол

<sup>1</sup> Ёқубжон Исҳоқов «Сўз санъати сўзлиги».

кўриш, тасвирлаш ва тушуниш жуда қизиқарли ва сермаҳсул ҳодиса эканини кузатамиз.. Жонсиз буюмларни жонлантириш, улар билан сўзлашиш, дардлашиш, ҳаракатланиш жараёнлари жуда қизиқарли ҳамда ҳайратланарли ҳодиса. Ижодкор ўз ҳис-туйғулари, қалб ғалаёнлари ва ҳайратларини ташхис санъати воситасида ошкор этиши, сирларини очиши анча осон кечади. Ижодкор, аввало, жуда синчков, кузатувчан, зеҳнли бўлиши керак. Негаки у сўзларни шахслантириб жонлантириши учун нарсалар ва инсонлар ўртасидаги ўхша什 жиҳатларини топа олиши ҳамда инсонларга хос ҳаракат, фаолият, кечинмаларни маҳорат билан уларга кўчириши лозим. Агар ўхшашлик бўлмаган тақдирда ҳам қандайдир ўхша什 элементлар топа олмасдан инсонлаштира олса ўқувчини ишониши, ҳайратланиши табиий ҳол.

## **АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ (ЛИТЕРАТУРА И МЕТОДОЛОГИЯ / METHODS )**

Бадиий санъатлар, хусусан, ташхис санъати ҳақида икки жилдлик адабиётшунослик назарияси қўлланмасида, Атоулло Ҳусайнининг “Бадоев усаное”, Ёқубжон Исҳоқовнинг “Сўз санъати сўзлиги”, А. Ҳожиаҳмедовнинг “Шеърий санъатлар ва мумтоз қофия”, А, Асаллаевнинг “Бадиий санъатлар” илмий китоблари ва Диллмурод Қуровон, Нажмиддин Комилов, Баҳодир Каримов каби машҳур адабиётшунос олимларнинг илмий- тадқиқот ишларида, адабиётшунослик терминлар лугатида ва бир қанча номзодлик, битирув илмий ишларида атрофлича маълумотлар берилган. Юқоридаги қўлланмаларда ташхис маънавий санъатлар қаторида кўрсатилса, Наргиза Тулонованинг номзодлик диссертациясида: “ташхис лафсий санъат....”<sup>1</sup> дейилган. Бу ерда хатолик кетган. Негаки қолган барча манбаларда ташхис маънавий санъатларга киритилган. Ёқубжон Исҳоқовнинг “Сўз санъати сўзлиги ” китоби (2-нашри) бадиий санъатлар ҳақида ёзилган китоблар ичida нисбатан мукаммал манба ҳисоблансада, унда ҳам айrim камчиликлар кузатилди. Қўлланмада интоқ (ジョンスиз нарсаларни, ҳайвонларни гапиртириш), муқобала (имло) санъатлари тушириб қолдирилган. Ташхис санъати ҳар учала таснифнинг (лафсий, маънавий, муштарак) бирортасига ҳам кирмай қолган, мусоваттарафайн санъатининг Бобур ижодидаги намунаси ва тасне, мустасне деган маънодош номлари киритилмаган. Адабий истилоҳлар икки ўринда икки хил миқдорда кўрсатиб кетилган. Албатта

---

<sup>1</sup> Тўланова Наргиза Маминовна. Ҳозирги ўзбек шеъриятида бадиий санъатларнинг лисоний- услубий таҳлили.( Шавкат Раҳмон, Аъзам Ўқтам, Иқбол Мирзо шеърияти мисолида) номзодлик диссертацияси. Р. 89. 2009.

бу каби жузъий камчиликлар кейинги нашрларда тузатилиб босилса, нур устига аъло нур бўлар эди.

Ташхис санъати қўлланилган дастлабки ёзма манбалардан Махмуд Қошғарийнинг “Девони луготит турк”, Юсуф Хос Ҳожибининг “Кутадғу билиг”, Рабғузийнинг “Қиссаси Рабғузий” асарларини кўрсатиш мумкин. Шунингдек , Алишер Навоийнинг лирик асарларида, “Хамса” достонларида , Атойи, Лутфий, Фурқат ижодида кўришимиз мумкин.

## НАТИЖАЛАР ( РЕЗУЛЬТАТЫ / RESULTS )

### Гулларни шахслантириш:

Гул жаҳон адабиётида ҳам, мумтоз адабиётимизда ҳам, замонавий адабиётимизда ҳам гўзал ёр, маъшуқа, қиз, аёл образини юзага келтирувчи рамз, маъжозий образ мисолида қўлланилиши табиий ҳолга айланган. Гулларнинг гўзаллиги, ифори, очилишида ҳамда аёллар ҳусни малоҳатида қандайдир умумийлик, мутаносиблик бор. Маҳоратли сўз усталари, шоирлар ўз шеърларида гулларни, айрим ҳолларда уларнинг турлари номларини инсоний ҳусусиятлар, ҳаракатлар билан тасвиirlаб ташхис санъатининг гўзал намуналарини яратиб ўз фантазияларига ўқувчиларни маҳорат билан ишонтира олишган.. кўпгина шеърларда лирик қаҳрамоннинг ўзи булбул тимсолида гавдаланади. Куйида турли даврларда яшаб ижод қилган ва бугунги кунда қалам тебратаетган шоирлар ижод намуналаридан мисоллар келтириб таҳлил қилишга уриндик.

**Настарин** юваб юзни, ёсуман тузиб ўзни,

**Наргис** очибон кўзни интизори ёронлар.<sup>1</sup>

(Фурқат)

Настарин гулининг инсонга ўхшаб юз ювиши бир қараганда одатий ҳолга ўхшайди. Негаки, ҳар кун тонгда барча гуллар, ўсимликлар устига шудринг тушиши табиий ҳол. Ижодкор наздида улар шудрингга юзларини ювишган ёки юзларини юваб бўлгач, юзда қолган сув томчиларига ишора қилинган. Бу жуда ўринли ва ишонарли ўхшатиш. Иккинчи мисрада наргис гулининг кўз очиши жуда чиройли шахслантирилган. Маълумки , мумтоз адабиётимизда наргис гули шохбарглари шаклан қўзга ўхшаганлиги учун айнан бошқа гуллар эмас, наргис кўзини очиб интизорини кутяпти. Гуллар деярли барча шоирлар ижодида учрайди ҳамда улар ёр тимсолини тасвиirlашда асосий восита ҳисобланади.

*Юзларингдин шарм этиб эй рухсор гул,*

*Очилур ҳар баҳор айёмида бир бор гул.*

<sup>1</sup> Шарофжон Саруев Адабиёт фанидан яхлит ўқув дидактик мажмуа. Шарқ зиёкори –2015.

Сен шу қадар гўзалсанки, сенинг шу гўзаллигингдан уялганидан гуллар баҳорда бир марта очилади. Аслида гулнинг бир марта очилишининг ёр гўзаллигига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Шоир бу ерда даҳли бўлмаган нарсани худди даҳли бордай кўрсатиб ҳусни таълил санъатининг бетакрор намунасини яратган бўлса-да, гулнинг уялиши ташхис санъатига ҳам ёрқин мисол бўла олади.

Тоғлардаги қип-қизил *лола*,  
бўлиб гўё ёқут пиёла,  
булоқлардан узатади сув  
эл кўзидан қочади уйқу.

(Ҳамид Олимжон)

Эрта тонгда тоғ лолаларининг шудрингга тўлиб туришини кузатган лирик қаҳрамон лолаларни инсонга хос ҳаракат бажараётган ҳолда яъни улар ёқут пиёлаларда булоқлардан сув узатяпти дейди, бундай мўъжизага гувоҳ бўлган элнинг кўзидан уйқу қочади. Қуёш чиқиб, кун ёриши билан шудрингларнинг ҳавога униши уйқуга қиёсланяпти.

*Атиргул* май ташир – мулозим,  
Сипоҳиси созанд қушлар.  
( Азиз Сайд)

Бу мисраларда атиргулни мулозимга қиёсланганини ва унинг май ташиётганига гувоҳ бўламиз. Май ранги қизил бўлгани учунми, бир неча атиргулларнинг саф тортиб юриб бораётгандай тасаввур қилиш учун ҳам ўта синчковлик, фантазия ҳамда ўткир зеҳн ва катта истеъодод керак.

Дарбадарга қиш жуда азоб,  
Омадсизга тобутдир хазон.  
Нечун бергум нокасга ҳисоб,  
Нечун олгум пастлардан эҳсон?  
Мени қийнап минг битта сўроқ,  
*Қизгалдоғим, жоним қизгалдоқ*.  
(В.Файз. 68-бет)

Қизғалдоқни дардкаш дўст тимсолида кўриш Мухаммад Юсуф ижодида ҳам учрайди. Нима учун қизғалдоқ? Қизғалдоқнинг қон рангига ўхшаш эканлиги эътибор марказидами ёки умри жуда қисқалигими? Вафо Файзулоҳ ҳам худди Мухаммад Юсуф каби қизғалдоққа мурожаат қилиб, уни инсонлаштириб ташхис ҳамда нидо санъатларининг бетакрор намунасини яратган. Мухаммад Юсуф 4+4+4 шаклидаги 4 банд, 12 бўғинли бармоқ вазнида Қизғалдоқ шеърини ёзган

бўлса, Вафо Файзуллоҳ 4+5 вазнидаги 6 мисралик 6 бандли бармоқда шу шеърини яратган. У ҳар банднинг охирида қизғалдоққа мурожаат этса, М. Юсуф фақат шеър бошида қизғалдоқ сўзини қўллайди. Ҳар икки шоир ўзига сирдош, дардкаш сифатида нима учун айнан қизғалдоқни танлашган. Уларнинг наздида бу гул бағри қон гул. У ўз аламларини гўё ранги орқали кўрсатаётганга ўхшайди ва улар ҳам ўз ҳолатларига ҳамоҳанг деб бошқа гуллардан ажралиб гулзорда эмас, балки қир-адирларни ўзига маскан қилган қизғалдоқлар ёнига бориб, уларга қалб тугёнларини баён этишади ҳамда гўё уларнинг ҳам дардларига ҳамдардлик билдиришаётганга ўхшайди. Ҳақиқатан ҳам сиқилган киши тинчроқ, одамларда ҳоли жойда ёлғиз қолиб, ким биландир дардлашгиси келади. Бу табиий ҳолни бадиий сўз усталари гуллар воситасида амалга оширишади. Оламга ўз гўзаллигини намоён этгач, яъни тўлиқ очилиб бўлгач, қизғалдоқлар тезда қовжираб сўлиб қолади. Балки ижодкорлар ҳам бор истеъдодларини кўрсатиб бўлгач, худди қизғалдоқлар каби қисматни хоҳлашмаётгандир ва уларга хайриҳоҳлик билдиришаётгандир. Умуман, гулларни инсонлаштириш шеъриятимизда кўп учрайдиган ҳодиса.

### Ўсимликларни шахслантириш:

Майсалар лол эгди бошини,  
Қизғалдоқлар тўқди ёшини.  
Кўк беркитди шаън қуёшини,  
Баҳодирсиз келар арғумоқ.

(Шавкат Раҳмон)

Арғумоқнинг баҳодирсиз келишидан ҳатто майсалар лол қолиб бош эгиши, қизғалдоқларнинг ёш тўкиши, осмоннинг қуёшни беркитишида қандай ўхашашлик бўлиши мумкин? Шавкат Раҳмоннинг “Баҳодирсиз келар арғумоқ” шеъридан олинган бандда шоир арғумоқнинг баҳодирсиз келиши нафақат унинг яқинлари, дўстлари учун, бутун борлиқ ва ундаги ўсимликлар, ҳатто осмон учун ҳам катта фожия эканлигини ўзгacha тарзда сўзларни шахслантириб тасвиrlаганлигини кўрамиз. Баҳодир халқ тақдирига, келажагига, баҳтсаодатига масъул шахс сифатида тушунилади. Унинг йўқлиги лирик қаҳрамонни чуқур қайғуга солади ва ўзининг руҳий тушкун ҳолатини майсалар, қизғалдоқлар тимсолида кўради. Айни вақтда баҳодир поэтик образ бўлиб, у эрк, озодлик рамзи сифатида ҳам тушунилади. Ер юзидаги ҳар бир жонзотга эркинлик керак, ҳатто ўсимликлар ҳам, ҳашаротлар, қушлар ҳам эркка ташна десак муболаға бўлmas. Атоқли жадид шоиримиз Абдулҳамид Чўлпон “Гўзал” шеърида озодликни гўзалга қиёслаб бетакрор поэтик образ яратганини эсга олайлик. Лирик қаҳрамон эркни шамолдан, қуёшдан, ойдан сўрайди ва улар ҳам унинг ўзларидан гўзал эканлигини эътироф этишиб, хайриҳоҳлик билдиришади.

**Ҳайвонларни шахслантириш:** масал ва эртаклардан мисоллар келтирилади.

Йиғлаб куйга осил **Оланар.**

Тверскойда **байталлар** хомуш,

Шеър ейдилар, ичадилар қон.

(Вафо Файзуллоҳ 16-бет)

Тверской Москва кўчаларидан бири. У ерда... шоир шеър оҳангига мос куйнинг ноласидан шундай таъсиранадики, натижада кучукка сўзлаб юборади.

Бошимни чанглаб учган қарчиғай,

Баландроқ кўтаргил осмонни кўрсат.

Мен ўзим қутқарай Алпомишни-йай,

**Бойчибор,**

бошла йўл,

зиндонни кўрсат!

(Шахриёр Шавкат. 5-бет.)

Алпомиш – ор-номус, ғуур, шон-шавкат тимсоли. Мен шу ор-номусимни қутқарай, шон-шуҳратимни тиклай деб ҳайқираётган шоир Бойчибор – руҳиятига, ўзлигига мурожаат қилмоқда. Кўринадики, ҳайвонларга мурожаат қилиб уларни шахслантириш осонроқ ва қулай усуллардан бири ҳисобланади.

Йўқотганим ҳаддан зиёда,

Топганим бир ёруғ дунёда,

Хузурингга борай пиёда,

**Оҳу**, менинг орзумсан ҳамон!

(В.Файзуллоҳ. 142-бет.)

Лирик қаҳрамоннинг орзузи ростдан ҳам охуми, ёки соғинган ёри, севимли маҳбубасини оҳу деб эркалаяптими? Нима учун унинг ҳузурига пиёда бормоқчи, чунки оҳу тоғ – тошларда макон тутган бўлади ва уларнинг олдига фақат пиёда бориши мумкин. Бу мисраларни ўқиган ҳар бир ўқувчи ўзиникидай қабул қила олади. Биринчи мисрадан таҳлил қилишни бошлаймиз. Ҳамманинг йўқотгандарни жуда кўп (яқин кишилари, вақти, дўстлари!). топганим бир деганда аллоҳ назарда тутилган. Оҳу поэтик образи орқали ҳам жаннатни орзу қилиши кўрсатилган. Негаки жаннат аҳлигина аллоҳ жамолини кўришга мушарраф бўлишади.

**Қушларнинг шахслантирилиши:**

Бунда булбул китоб ўқийди,

Бунда қуртлар ипак тўқийди,

Бунда ари келтиради бол,

Бунда **қушлар** топади иқбол.

Ўзбекистонни бутун борлиғи билан севган, уни ардоқлаган кишигина ўз ватанига бўлган чексиз меҳр-муҳаббатини худди шу тарзда баён эта олади. Негаки, Ватанинг ҳар гўшаси, ҳар гиёхи, ҳар бир жонзоти у учун азиз ва қадрли бўлади. Шунинг учун ҳам шоир жаннатмонанд юртимизни дилдан тошиб, жўшиб куйлаган. Китоб ўқиб, шеър ёдлаётган болалар булбулга қиёсланган. Уларнинг ширали жарангдор овозлари булбул хонишига топиб менгзалган. Бандда нафақат қушлар, балки ҳашоратлар ҳам шахслантирилган.

(Х.Олимжон)

Шивирлайди теракнинг лаби,  
**Қарғалар** бешикни тебратар.

(В.Файз. 26-бет)

Йўлга чиққан келин – **турналар**,  
Қайтмас энди, бир севги порлоқ...

(15-бет)

**Қушчам**, мендан олдин баҳорни сездинг,  
Мунгли кунларимга йўлладинг наво.

(50-бет)

### **Сайёраларни шахслантириш: ой, қуёш, ер, юлдузлар...**

Мумтоз шеъриятимизда ёрнинг бекиёс гўзаллиги, ҳусни малоҳати ой ва қуёшга, қўзлари эса юлдузга қиёсланиши ҳолати жуда кўп такрорланади. Бу сайёраларни инсонийлаштириб битилган шеърлар ҳам анчагина. Ҳазрат Алишер Навоий “Саббаъи сайёр” достонининг бешинчи ҳикояти “Меҳр ва Суҳайл” да Меҳр - қуёш, Суҳайл – порлоқ юлдуз маъносини англатиши тасвиrlenган. Қуёшнинг ҳаммага бир хил нур сочишига инсон қалbidаги энг зарур ва унга муштоқ бўладиган меҳр туйғусининг қиёсланиши ўртасидаги рад этиб бўлмайдиган мутаносибликни улуг шоир кашфиётларидан бири десак янглишмаймиз.

*Оу* жилмайиб кўзин қисади шунда,

Ёғдусида туғилади инжулар...

(Э.Ниёзмуҳаммад)

**Куёши** чиқар сочини тараб,  
Нигоҳ ташлар оламга вазмин.

(Маъруф Жалил 10- октябрь. Азиз  
Сайд канали)

Юқоридаги мисраларда қуёшнинг узун соchlарини тараб оламга қараши инсонга хос ҳаракат-холатнинг унга юқтирилган тасвирини кўрамиз. Қуёшнинг сочини тараётган қизга ўхшатилиши, вазмин нигоҳ ташлаши учун тасаввур имкониятлари кенглиги, фантазия кучи ҳамда иқтидор зарур. Сочнинг толалари ҳар томонга ёйилиши – қуёш нурларига қиёсланган. Тонг отгач, қуёш чиқиши табиий ҳол, аммо ижодкор ҳар кунги одатий ҳолдан ҳам завқу шавққа тўлиб, поэтик образ яратадиган.

**Моддаларни шахслантириш: сув, ҳаво, булут, ёмғир, қор,**  
**Дарёларнинг шошқини бошқа,**  
**Оқ булутлар уйғотди мени.**

(В. Файзуллоҳ. 31- бет)

Оқ булутлар ўз мусаффолиги, гўзаллиги, парқулиги билан ижодкор дилидаги қотиб қолган инжа туйғуларни, беғубор орзуларни уйғотган. Қайси шоир соҳил бўйида самодаги илоҳий гўзалликдан илҳом олмаслиги мумкин.

**Яшил тушлар билан лиммо-лим булоқ**  
**Йўлидан қайтмасларни кутяпти.**

(В. Файз. 46-бет.)

Оқ куйлаклар кийган тоғлар бор ҳамон,  
 Елкасида чўғдай ҳилпирап лола.  
 Турналар олислардан қайтишди омон,  
 Хайрлашув чоғи кўз очган нола.

(В.Файз. 46-бет.)

**Табиат ҳодисаларини шахслантириш: шамол, довул, бўрон, ёмғир, чақмок,**  
**яшин, кун, тун, субҳ, шом, тонг...**

**Ерта тонг шамоли** соchlарин ёзиб  
 Ёнимдан ўтганда сўраб кўрамен.

(Чўлпон.”Гўзал”)

Эшикдан эшикка чопиб **шаббода**,  
 Суюнчи сўрайди, суюнчи.  
 (Асқад Мухтор “Туғилиш”)

Шитир-шитир ўйнар **шаббода**,  
 Барглар мусиқаси бир ширин.  
 (Ш. Раҳмон)

Ўртада  
 оч қолган **сукунат**

пардани эмас,  
қовоғингни кўтаришни сўрайман.

(Азиз Сайд)

**Кеча** йиғлар, қора сочига  
Қадаб синган ой – тароғини.  
Шамол секин ўрмалаб сувдан  
Судраб чиқар бўш чаногини.

(Азиз Сайд. Дили қани  
Бедилнинг? шеъри)

Хамёнини очар сахий **тун**,  
Бозор эса гунг ва кимсасиз.

(А. Сайд. 5- июнь.2022.)

Бўм-бўш ҳаволарга ёйсам қўлимни,  
**Сокинлик** сочидан ташлар бир тутам,  
Ялмоғиз **фурсатнинг** ўчоқларида,  
Жимжитлик қораяр чиройли тутаб.

(Азиз Сайд канали 13-январь)

### **Инсон хис-туйғуларини шахслантириш:**

Ёмғир тинмай ёғди тун бўйи,  
Ёмғирли тун каби эзилди **дардим**.

(Абдулла Орипов. “Севги ўлеми”)

“Дарднинг эзилишини ҳеч тасвиrlаб бўлмайди, у фақат ифодаланиши мумкин, холос. Аммо мавхум ҳиссий ифода конкрет предмет билан боғланса, дархол тасвирийлик юзага келади. Юқоридаги мисралардаги мавхум хис ёмғирли кунга ўхшатилиши билан мавхум ҳиссий ифода ўқувчининг кўз олдида конкретлашади.” (Адабиётшунослик терминлари изоҳли лугати)

Юрагимга киргин, **умидим**,  
Кўзларимда тургин, **умидим**.

(Улуғбек Ҳамдам Адабиёт. 672-бет. )

Юқоридаги мисралар шоирнинг маснавий шаклида ёзилган Муножот шеъридан олинган. Инсоннинг тушқун ҳолатига тушган пайтларида унга далда берадиган, худди маёқ сингари олдинга чорлайдиган ҳам умид. Умидсиз яшаш инсонни ҳалокатга, тубанликка бошлиши аниқ. Эртанги кунидан, келажагидан, умуман, барча яхшиликлардан, орзулар рўёбидан умид қилиб яшаш

керак. Лирик қаҳрамон инсон қалбидан туғилиб, унга куч берадиган, шижаатли бўлишга ундаидиган нафис ва боқий туйгуни инсонийлаштириб ташхис санъати воситасида ўз хоҳиш-истакларини, борлиги учун, мақсадга етиши учун унга умиднинг сув ва ҳаводай зарурлигини таъкидлайди:

Кўлларимдан ушла бўл маҳкам  
Манзил сари бошлигин илдам.

Борлигимда бўлгин ҳамиша,  
Ҳам Дунёю оламда пеша.

Инсон ҳис-туйгуларини ишонарли тарзда шахслантириш, уларга дилкаш сухбатдош, дардкаш, сирдош дўст каби мурожаат қилиб гурунглашиш, қалбидаги аламларини ёки қувончларини бўлишиш кейинги авлод ижод намуналарида ҳам, таниқли ижодкорлар шеъриятида ҳам кўпроқ ва хўброқ учрамоқда.

Кўз очгани қўймайди **алам**,  
Мисраларим кўтарар нолиши.  
(Зулфия)

Яшадимку тилсиз неча йил,  
Йўлсиз тонгда йиглади **дардим**.  
Ечилдими юрақдаги ғул,  
Ғуруримни ўлдирган **қадрим**.  
(Вафо Файзуллоҳ)

Бош кўтарди гоҳи **хиёнат**,  
Ярим тунда кўчага тортди...

Бедаво ҳамроҳдай **ирода**,  
Сил дилдай йиглади мақсади.  
**Исён** имонсиз бир биродар  
Искірт майхонага бошлади...  
(В. Файзуллоҳ 34-бет)

Нима деб ёзайн оғриса юрак,  
**Армон** ҳеч тинмаса михларин қоқиб.  
Ялдо тунларимиз йириқларидан,  
Муборак қайғулар кетса гар оқиб.

(Азиз Сайд канали)

**Хайқиради ҳайрат** аzonда,  
Болаликдир маъсум **ҳаяжон**.

**Ҳаяжонни** этдилар қатл  
(Вафо Файзуллох)

#### Инсон аъзоларини шахслантириш:

Мушкул қошининг ҳайъати ул **чаши жаллод** устина,  
Қатлим учун нас келтирур нун элтибон сод устина.  
(Огаҳий)

**Қора қўзум** келу энди мардумлиғни фан қилғил,  
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил.

(Алишер Навоий)

Хаёлларим тўзғиди бирдан  
Ўйларингни туйди **юрагим**.  
Таъқиб этар нигоҳим бир дам,  
Фарёд билан қочар **қўзларинг**.

(Азиз Сайд. Ташбехсиз.)

Юқоридаги шеърий парчаларда инсон аъзоларидан, асосан, қўз, қош, юрак шахслантирилиб поэтик образ яратилган. Огаҳийнинг машҳур ғазали матлаъсида ёр қоши, қўзининг гўзаллиги ақл бовар қила олмайдиган даражада тасвирланган. Қошининг туклари ҳайъат аъзоларига, қўзи жаллодга усталик билан қиёсланиб, лирик қаҳрамон - ошиқ қатли учун ҳукм ўқилиши уқтирилган. Мумтоз шеъриятимизда ёр аъзоларини шахслантириш орқали ёрнинг бекиёс гўзаллигини тасвирлаш маҳорати кўпроқ учрайди. Инсон аъзолари орқали образ яратиш тилшуносликда синекдоха атамаси билан юритилади. Қисм орқали бутун, бутун орқали қисмни ифодалаш тушунилади. Ҳазрат Навоийнинг “Қора қўзум...” ғазали худди шу усулда бошланади. Қора қўз орқали ёрнинг ўзи назарда тутилган. Замонавий шеъриятимизда ҳам ижодкорлар инсон аъзоларини инсонлаштириб, бетакрор мисралар, шеърлар ёзишмоқда. Бунда улуғ шоирлар анъанасини давом эттирган ҳолда ташхис санъатининг ўзига хослигини кўриш мумкин.

Довдираб қўзингга урилиб кетди,  
Бу бахтдан қўр бўлиб қолган **нигоҳлар**.

#### Дарёларни шахслантириш:

Чиройлидир гўё ёш келин

## Икки дарё ювар кокилин..

Сен севасан салқин ва енгил,  
Аму чўмилтирган шамолни.  
Сен севасан, нотаниш сингил,  
Кўнглингдаги тўла армонни.

(Усмон Носир. Юрак сенсан менинг созим Т- 2017. Янги аср авлоди.

42- бет.)

Яхши қол, эркин сув! Яхши қол, **дениз!**

Тўлқинлар қўйнимга қиздай кирдингиз...

(Усмон Носир. Ўша китоб. 10- бет.)

## Дарахтларни шахслантириш:

Кузда куз билан тунаган **дараҳт**,  
Баҳор куйлагини кияркан шошиб.  
Тўзғиган сочига шамол тароқчи,  
Тун ойна тутқазар сандигин очиб.<sup>1</sup>

Дарахтнинг куйлак кийиши, соchlарини шамол тараши, туннинг унга ойна тутиши – булар фақат инсонга хос хусусиятлар. Шоир табиатдаги ҳодисаларни, ўзгаришларни ўзгача тарзда инсонларга хос хислатлар, харакатлар билан уйғунаштирган ҳолда бетакрор ва ҳайратланарли тарзда тасвирлаб берган. Барча жонзотларнинг қишида ухлаши ҳаммага маълум. Дарахтларнинг кузда тунаши яъни ухлаши бутун қиши мобайнида давом этгани шеърда тилга олинмаган бўлса-да, буни зукко ўқувчи билиб олиши қийин эмас. Баҳорнинг келиши билан дараҳт шохлари уйғониб, барг ёзади, ана шу барг ёзган шохларини сочга қиёслаб, уларни шамол тараётгандай кўриниши, ойнинг ойнага қиёсланиши ҳам жуда жозибали. Туннинг сандиги – осмон, ойнаси ой эканлигини эса тушуниш қийин эмас.

**Қайрағочлар** таклиф этади:

Шохларимиз афсонавий дор.<sup>2</sup>

Тун жойлашар борлиққа,  
Тунука том тарақлар,  
Ўйчан боқар ариққа –  
Чолу кампир **дараҳтлар**.<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Азиз Сайд “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” 2022-йил 16-ноябрь 43-сон.

<sup>2</sup> Вафо Файзуллоҳ, “Оқ лайлак”. “Муҳаррир нашриёти” Тошкент. 2020-йил. 13-бет.

<sup>3</sup> Хосият Рустамова “Девор” Т – 2006-йил. 88- бет.

Синган қўлин узатар **даражат**,  
Деразангда сумалак сўзлар...

(В.Файзуллоҳ 26-бет)

Дўстим, атрофингга бир зумгина боқ,  
**Дарахтлар** қўл ушлашиб кетяпти.

(Вафо Файзуллоҳ 46-бет.)

Дарахт шохларининг қўлга ўхшатилиши. Мумтоз шеъриятимизда чинор дарахтининг барглари панжасимон бўлгани учун шохлари қўлга ўхшатилган. “Шамс Табризий ўзининг бир байтида:

**Чанор** фаҳм кунад андаке зи роз-и чаман,  
Хазор даст барорад хушу дуо кунад.

Яъни чинор чаман сирини озгина тушунади, шунинг учун яхшилаб минг қўл чиқариб дуо қиласди, дейди. Бунда чинорнинг узоқ умр кўриши ҳам назарда тутилади.” (Алибек рустамов. 62-бет.) Алишер Навоий ҳазратлари ҳам “Маҳбуб ул-кулуб” асарида меваси бўлмаса-да чинорнинг улуғлигини қўлида ҳеч нарсаси йўқ, олийҳиммат камбағал одамга қиёслаб ёзган: “ҳимматли киши камбағаллик билан пасткаш бўлиб қолмайди, ҳиммати йўқ киши ганж яъни хазина топса ҳам буюк шахсларга тенг бўлмайди. Чинорнинг қўли холий бўлгани билан унинг улуғлигига нуқсон етмайди.” (Алибек Рустамов 62-бет) Энди юқоридаги мисраларга қайтамиз. Дарахт қўлининг синиши

Қора тортган дала сўнгида  
Зўрға босиб бужур титроғин,  
**Қари чинор** дуолар ўқиб  
Кўмаётир сўнгги япроғин...

(Хуршид Даврон. Баҳордан бир кун олдин. Т.  
“Шарқ” Т- 1997. 168-бет.)

Умуман олганда дарахт образини яратмаган, дарахтни шахслантириб шеър ёзмаган шоирни топиш қийин. Кузатишларимиз натижаси шуни кўрсатдики, ёш ижодкорларнинг катта кўпчилиги ижод намуналарида ҳам дарахт поэтик образи нисбатан қўпроқ яратилган. Одамлар шажарасини ҳам дарахт шаклида тасвиrlаш урфга кирган. Аждодлар дарахтнинг илдизига, фарзанд-у набиралар мевасига, қариндошларни япроқларига қиёслаш анъанага айланган.

### Топонимларни шахслантириш:

Топонимларни шахслантириш кўпинча талмех санъати замирида юзага келади. Шеърда ҳаммага маълум ва машҳур шахс, жой номлари, воқеалар, афсона, асар қаҳрамонларига ишора қилиш санъати талмех санъати дейилади.

Кўйида келтирилган мисолларда шахслантирилган жой номлари, аввало, талмех санъатининг бетакрор намуналари десак хато бўлмайди.

Сенга тенгдошdir **Помир**,

оқсоч **Тяньшань**, ўзбегим.

(Э.Воҳидов.)

Гўзал ухлар тунлар **Рязань**,

Тушларида жувонмарг фарзанд.

(Вафо Файзуллоҳ 17-бет)

Софинч дарди бағримни тилса,

Азоб ўтин совитар **Тошкент**.

Кетаман деб харҳаша қилса,

Юрагимни овутар **Тошкент**.

(Юлдуз Ўрмонова. Уйғоқ юлдузлар. Т-

“Адабиёт” 2020. 9-бет.)

Лирик қаҳрамон юрагини овутаётган Тошкент – онасими, яқинларими ёки бошқами? Тошкентга меҳр-муҳаббатининг ифодасими? Нима бўлганда ҳам Тошкент инсонлашган. Тошкент лирик қаҳрамон учун дардкаш, чин дўст образида гавдалантирилган.

**Ў, Бухоро,**

Душман тиғидан

Яраланган қонли бардошсан,

Сен мозийнинг юксак тоғидан

Қулаб тушган рангин бир тошсан.

(Х. Даврон. 140-бет)

Руҳиятим атиргул истайди,

Тушларимда йиглар **Самарқанд**.

(В. Файзуллоҳ. 13-бет)

Бу мисраларда Ватанга бўлган чексиз меҳр-муҳаббатининг ўзгача талқини акс этган. Самарқанд лирик қаҳрамоннинг онасига ўхшатилиб, унинг тушларида боласини соғиниб йиғлаётган ҳолати кўз олдимизга келади. Ўқувчи\ижодкорнинг Самарқанд фарзанди эканлигини билиб олади. Атиргул ҳиди онасининг хушбўйига ишора. Лирик қаҳрамон Самарқанд осмонидан ёғаётган ёмғирни кўз ёшга қиёслаган. У Самарқандда ёмғир ёғса, “мени соғиниб онам йиғляяпти ” деяётгандай кўринади.

## МУҲОКАМА (ОБСУЖДЕНИЕ / DISCUSSION)

“Ташхис санъати рамзий тасвирнинг ёрқин кўринишларидан бири бўлиб, шоирдаги мушоҳада қуввати ва поэтик маҳоратни кўрсатади”. (24) Демак, ташхис санъати орқали биз ижодкор салоҳияти, шеърияти нуфузи ҳамда истеъдодини билиб олишимиз қийин бўлмайди. Бизнинг шеъриятимизда қўлланиладиган ҳар бир шеърий санъатнинг ўзига хос ўрни бор. Бироқ кузатишимизча, ташхиснинг ўрни бекиёс. Лирик қаҳрамон ўз қалб изтиробларини, ҳис-туйғуларини, завқу қувончларини ким биландир бўлишгиси келади ва сухбатдошни ҳам узоқ ахтариб ўтирумайди. Ижод ахли қайсиdir маънода жунунваш бўлиши ҳеч кимга сир эмас. Буни Арасту “Поэтика” асрида ёзган: “Поэзия- истеъдодли ёки мажнунсифат кишининг қисматидир. Истеъдодли одамлар руҳан жуда таъсирчан, мажнунсифатлари эса жазавага мойил бўладилар”. Шоир нимага қараб ўз дардларини, туйғуларини баён этмоқчи бўлса, ўйланиб ўтирумайди, кўнглидаги кечинмаларини, дард-аламлару, қувончларини ўз билим ва салоҳиятидан келиб чиқсан ҳолда маҳоратини ишга солиб баён этаверади. Шунинг замирида эса гўзал санъат намуналари туғилаверади.

“Шеърий саъатлар бадиий асарда ифодаланган ғояларни ҳаётйроқ, таъсирчанроқ ифодалашга, лирик ва эпик тимсолларнинг ёрқинроқ гавдалантиришга, мисралар, бандларнинг лафзий назокати, мусиқийлиги, жозибадорлигини таъминлашга хизмат қилган”. (3) Айнан бу мулоҳазалар ташхис санъатига ҳақида ёзилгандай гўё. Биз юқорида ташхис санъати қўлланилган шеърий парчаларда бу санъат намуналарини кўриб чиқдик ва шунга амин бўлдикки, ташхис санъати орқали тасвир ва тасаввур имкониятлари кенглигига, сўзнинг бетакрор жилоларига, сехр кучига тақрорт-тақрор гувоҳ бўламиз.

## ХУЛОСА (ЗАКЛЮЧЕНИЕ / CONCLUSION)

Хulosha қилиб айтганда, бадиий санъатлардан энг сермаҳсули- ташхис санъатидан ўринли ва меъёрида фойдаланилса, у орқали ижодкорлар бир-биридан гўзал, мураккаброқ рамзий-маъжозий тимсоллар яратишади, лирик асарларида бадиийликни, ишонарлиликни, бетакрорлиликни таъсирчанлиликни кучайтириб, ўқирманларни ўз ижод маҳсуллари билан ҳайратлантириб, қалбларига бир дунё завқу шавқ улашишади. Ташхис санъати бугунги қун шеъриятида қўлланилаётган энг фаол ва жозибадор санъатлардан биридир. Бу санъат тадрижини шеъриятимизда ўзига хос ўринга эга шоирлар Абдували Кутбиддин, Азиз Саид ҳамда Вафо Файзуллоҳ, Улугбек Ҳамдам ва бошқа ижодкорлар лирик асарлари мисолида кўриб чиқиб имкон қадар таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. Ташхис санъати фикрни образли ифодалашда, шеъриятда

манзара-лавҳалар яратишида, поэтик мазмун ва поэтик рухни жилолантиришида, даврнинг муаммоли тугунларига ечим топишда ҳамда лирик қаҳрамон туйғуларининг, кечинмаларининг эврилишларини ифодалашда муҳим асосий воситалардан бири бўлиб қолади.

Бу санъатдан лириканинг деярли барча жанрларидан, асосан, масал, достон, шеърий эртак, мунозара, кўшиқ, замонавий ва мумтоз шеъриятимизнинг барча жанрларида ва ҳаттоқи, насрой асарларда ҳам унумли фойдаланилади. Ташхис санъатини мавзу жиҳатидан таснифлаб ўрганиш мавзуни чуқурроқ ва тўлиқроқ билишга ёрдам бериши, шубҳасиздир. Мисраларда ашёларни, жонсиз нарсаларни сўзлар воситасида худди инсонлар каби ҳаракатлантириш, фаолият кўрсатиши, жонланиши ўқувчига эстетик завқ бериш билан бирга шеъриятга, бадий адабиётга қизиқишини янада орттиради.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА / REFERENCES)

1. Азиз Сайд “Вақт манзили” Академнашр Т -2021.
2. Вафо Файзуллоҳ “Оқ лайлак” Т- 2020.
3. Ёқубжон Исҳоқов. Сўз санъати сўзлиги. Тошкент. Ўзбекистон – 2014.(1) 239-241.
4. Сувон Мели. Сўзу сўз. “Шарқ” нашриёт- матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти.Тошкент – 2020
5. Иззат Султон. Адабиёт назарияси. Т. Ўқитувчи. 1980.
6. Ҳожиаҳмедов А. Шеърий санъатлар ва мумтоз қофия. Т. Шарқ.
7. А. Асаллаев, В.Раҳмонов, Ф.Мусурмонов. Бадий санъатлар. “Тафаккур” Тошкент – 2015.
8. Адабиёт қоидалари. “Ўқитувчи” 2002. Тўланова Наргиза Маминовна. Ҳозирги ўзбек шеъриятида бадий санъатларнинг лисоний- услубий таҳлили.( Шавкат Раҳмон, Аъзам Ўқтам, Иқбол Мирзо шеърияти мисолида) номзодлик диссертацияси. Р. 89. 2009. (2)
9. Ҳамидов З. Сўз санъати ва санъаткор маҳорати. – Тошкент: Университет, 1991. – 85-бет.
10. Ҳамидов З. Навоий бадий санъатлари. – Тошкент: Университет, 2002. – 56-бет.
11. Мухаммад Юсуф. Сайланма. “Шарқ” нашриёт- матбаа Концерни бош таҳририяти. Тошкент – 2000.
12. Ҳамид Олимжон. Сайланма.
13. Тўланова Наргиза Маминовна. Ҳозирги ўзбек шеъриятида бадий санъатларнинг лисоний- услубий таҳлили.( Шавкат Раҳмон, Аъзам Ўқтам, Иқбол Мирзо шеърияти мисолида) номзодлик диссертацияси. Р. 89. 2009.